

Қуръони Карим маънолари она тилимизга биринчи марта қачон таржима қилинган?



16:02 / 08.06.2020 8624

Савол: Қуръони Карим маънолари она тилимизга биринчи марта қачон таржима қилинган? Шу ҳақда тўлароқ маълумот берсанглар, бошқаларга ҳам фойдали бўлар эди.

Умиджон Қаюмов

Чуст тумани

Юртимизда авваллари Қуръони Карим маъноларининг асосан форсча, туркча ва татарча таржималари кенг тарқалган. 875 – 999 йиллари ҳукм сурган Сомонийлар даврида Абу Жаъфар Табарийнинг «Қуръони Карим

тафсири» форс тилига ўғирилди ва форс тилида унга кенг изоҳлар ёзилди. Тўғри, бунинг учун мўътабар Ислон уламоларининг ижозатини олишга тўғри келди ва улар диний адабиётлар араб тили билан бир қаторда форс тилида ҳам ўрганилиши керак деб фатво беришди.

Қуръонни илк бор татар тилига таниқли дин ислохотчиси Абдуносир Қурсавий (1776 – 1812) таржима қилган, бу таржималарнинг бошқа бир неча нусхаси ҳозирда Қозон кутубхоналарида сақланмоқда. Кейинроқ Аллоҳ Китоби маъноларининг нисбатан тўла таржимасини татар тарихчиси ва уламиси Ҳусайн Амирхонов (1814 – 1893) амалга оширди. 1910 – 1911 йиллари Қозонда татар уламиси ва шоири Муҳаммад Содиқ Имонқулининг (1870 – 1932) икки жилдли «Тасҳилил баён фит-тафсирул Қуръан» (Қуръон тафсирини осонлаштириб тушунтириш) китоби нашр этилди. Йигирманчи аср бошларида шайхулислом Ҳамидийнинг «Ал-Итқон фит-таржиматул-Қуръан» (Қозон, 1907 йил), Нўъмонийнинг икки жилдли «Коръэн тафсире» китоблари ҳам нашр этилди, «Ал-итқон» Қозондан ташқари Қатар, Япония ва Туркияда ҳам чоп этилган.

Қуръони Карим маъноларининг илк туркий (эски ўзбек тилидаги) таржимаси 1956 йили Саудия Арабистонидаги ватандошимиз Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий (Олтинхон тўра) томонидан таржима қилиниб, дунёда ҳам, бизнинг ўлкада ҳам кенг тарқалди. Илоҳий Китобнинг замонавий ўзбек тилидаги биринчи маънолар таржимаси 1991 йили (ҳижрий 1412) Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилди. Бу таржима Ўзбекистон маънавий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлди. Аввал «Шарқ юлдузи» журналининг 1992 – 1993 йилги сонларида, кейинчалик «Чўлпон» ва Ғафур Ғулом нашриётларида миллионлаб нусхада босилиб чиқди.

Кейинроқ нашрдан чиққан шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳилол» тафсири ва алоҳида маънолар таржимаси юртдошларимизга Қуръони Каримни она тилларида етказишда улкан воқеа бўлди. Тафсир ва маънолар таржимаси шундан кейин ҳам бир неча бор қайта-қайта нашрдан чиқарилди ва ҳамон мусулмонларнинг бу асарларга эҳтиёжлари сусаймаётир.

Кейинчалик шайх Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири», шайх Усмонхон Темурхон ўғли Самарқандийнинг «Тафсири ирфон» тафсири ва маънолар таржимаси ҳам нашр этилди. Булардан ташқари, домла Мавлавий Ҳиндистоний, Маҳбубий-Марғилоний, Шамсиддин Бобохонов, Исматулла Абдуллаев ва бошқаларнинг бу

соҳадаги изланишлари маҳсули ҳам ўқувчиларга етиб борган.

Маҳмуд Маҳкам

«Ҳилол » журналининг 5 (14) сонидан